

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Ўзбекистон”. 2009, 176-б.
2. Мусулманова О Юкари синф укувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. // Пед. фан. докт. ...дисс. –Тошкент:1993, 364-б.
3. Кухарев Н.В. На пути к профессиональному совершенству. Книга для учителя. –М.: “ Просвещение” 1990, -С.159.
4. Мажидова Ш.Н. Педагогические основы целостного развития личности будущего учителя в процессе профессиональной подготовки. Автореферат дисс кан пед наук. –Тошкент: 2004, 24-б.
5. Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлокий мухит. // Муаммо ва ечимлар. Автореф..... фал.фан док. –Т.: 2012, 56-б.

РЕЗЮМЕ

Маколада талабалар бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даётся обзор роли студентов в разработке эффективных организационно-педагогических механизмов, основанных на национальных культурно-исторических традициях и общечеловеческих ценностях, разработке методологической базы для углубления демократических реформ и развития гражданского общества.

SUMMARY

The article provides an overview of the role of students in the development of effective organizational and pedagogical mechanisms based on national cultural and historical traditions, traditions and universal values, and the development of a methodological basis for deepening democratic reforms and developing civil society.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

О.Базаров - *тадқиқотчи*

Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: ғоявий тарбия, юксак маънавият, баркамоллик, юрт тинчлиги, ватан равнақи, оила, онглилик.

Ключевые слова: идейное воспитание, высокая духовность, совершенство, мир на земле, процветание родины, семьи, самосознание.

Key words: ideological education, high spirituality, perfection, peace on earth, prosperity of the Motherland, family, self-awareness.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига таҳдид солаётдиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлокий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишига интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир [1:27].

Шавкат Мирзиёев

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳон халқлари ҳаётида юз берган ўзгаришлар – яъни йирик империяларнинг парчаланиши, мустақил давлатларнинг барпо бўлиши, жамият бошқарувидаги ўзгаришлар, халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви, энг муҳими, глобаллашув жараёниларнинг тезлашуви ва бошқалар моддий ва маънавий ишлаб чиқариш диалектикасини чуқурроқ ўрганишни асосий масалалардан бири сифатида кун тартибига кўйди. Чунки, глобаллашув жараёни билан боғлиқ зиддиятлар аввало маданият ва маънавият соҳаларида яққол намоён бўлиб, миллатларнинг маънавий-ахлокий кадриятларига таҳдид солишида, ғоявий таъсир кўрсатишида ўз аксини топмоқда.

Маълумки ғоявий тарбия сушт бўлган ёки тўғри олиб борилмаганда инсон онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлиб, бу бўшлиқни шу миллатнинг табиатига ёт ғоялар эгаллаб олиши ва турли мафкуравий тазйиқлар ўз зарарли таъсирини ўтказиши муқаррар. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун эса, ғоявий-сиёсий соҳада ёшларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, ақлий салоҳияти, дунёқараши эндигина шаклланаётган авлод қалбида миллий ғурур туйғуларини кучайтириш, Ватан, Миллат ва Истиқлол тушунчаларини кадрият даражасига кўтариш борасидаги қатор таъсирчан тадбирларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги даврда эркин фуқаро маънавияти шаклланишига қаратилган ғоявий тарбия – гуманистик эътикод ва рационал-танқидий дунёқарашни англатади. Афсуски, XXI аср ғайриинсоний, аксидемократик мафкуралар, айниқса, маънавий тубанликни улуғловчи, инсоннинг тубан инстинктлари (инсондаги ғайриинсонийлик)ни кучайтиришга қаратилган ғоялар ва қарашларнинг очик ва яширин таҳдиди ошаётган давр бўлмоқдаки, бундай шароитларда ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарбият илми ҳам бўлган фалсафа ёшлар руҳиятига салбий таъсирлар кўрсатувчи

турли қарашларга, мафкураларга қарши кадриятвий мўлжалларни шакллантириш муммоларини ечишга қодир бўлмоғи керак. Мазкур муаммолар ўз вақтида ечимга эга бўлмаслиги эса, жамиятда маънавий таназзулни кучайтиради, шунингдек, секуляризациялашган жамиятлардан фарқли равишда азалий исломий жамиятларнинг дунёвий тараккиётига доимий хавф солиб турувчи диний фундаментализмнинг таҳдидига чек қўйилиши янада мураккаблашади. Демак, «ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир» [2:7].

“Ғоявий тарбиялаш деб, кишиларнинг онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлокий, бадиий, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнига айтилади. Мафкуравий тарбия эса, инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараёндир [3:383].

Хўш, ғоявий тарбия қаерларда олиб борилади? Ғоявий тарбия:

- оила;
- таълим муассасалари;
- маҳалла;
- ижтимоий-оммавий институтлар;
- меҳнат жамоалари ва бошқаларда олиб борилади.

Ғоявий тарбияда тарбияланувчиларнинг ривожланишини ёши, типологик ва индивидуал хусусиятларининг ҳисобга олиниши қатор педагогик муаммоларнинг олдини олади. Масалан: бола ёши ошиб борган сари ота-онадан узоқлаша боради ва ўсмирлик даврида бузғунчи ғояларга кириб кетиш хавфи туғилади. Ота-оналар болани физиологик ёшини ҳисобга олмайди ва бу камчилигини, хатосини улар англашмайди. Оилавий шароити ночор бўлган бола ота-оналаридан норози бўлиб, 14-15 ёшга етганда оиласидан, ота-онасидан ҳар хил камчиликлар топиб, айблай бошлайди, яъни унда оппозицион – муҳолиф фикр туғилади. Ёшликдаги ота-она норозилиги улғайган сари жамиятга, давлатга қарши бузғунчи ғояларга айланиши мумкин. Оилада ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги ўзаро ишонч

бузгунчи ғояларнинг олдини олади. Оила ва маҳалла томонидан йўл қўйилган арзимас хато камчилик болада одамга нисбатан ишонч туйғусининг сўнишига, унга ишонадиган одамларни кўчадан излашга олиб келади. Бу ҳақда Президент Ш.Мирзиёев шундай таъкидлайди: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму-хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас” [4].

Шу туфайли бугунги кунда Президентимиз Ш.Мирзиёев таълим тизимини бутунлай ислоҳ қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқдалар. Чунки, айрим ота-оналар, халқ таълими тизими, маҳалла фаоллари ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган шахслар таъсиридан болаларни муҳофаза этишда эътиборсизлик қилмоқдалар. Ҳеч кимга сир эмас, зўравонлик, маиший енгилтаклик ва жоҳилликни тарғиб қилувчи чет эл фильмлари мавжуд экан, ғоявий зарарсизлантириш, уларнинг йўлини тўсиш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш лозим. Таълим тизимининг турли босқичларида ёшларга таълим-тарбиянинг турли қирраларидан сабоқ берилади.

Демак, ёшларни ёт ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилишнинг энг асосий негизлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ундаги асосий масалалардан биринчиси, уларнинг она юртига нисбатан иймон ва эътиқодини кучайтиришдир. Эътиқодли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётганини жуда яхши билади. Эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига бунёдкорлик ғоялар, мақсадлар қўйиб, баркамол бўлишга тиришади, ғайратлилик унинг ҳаёт тарзига айланади. Шунинг учун замон ва олиб борилаётган ислохотлар биздан эътиқод, мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъият, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби фазилатларни талаб қилади.

Ғоявий тарбиянинг юксак босқичи ирода ва жасорат бирлиги, хулқ-ахлоқ билан белгиланади. Худди шунингдек, кишининг кундалик хатти-ҳаракати; хулқи ва фаолияти унинг ҳаётий тажрибаси бўлиб, шунинг билан бирга кишининг илмий дунёқарашини белгиловчи объектив мезон ҳамдир. Бу мезон кишидаги илмий билимлар унинг мустаҳкам эътиқодига айланганлигини кўрсатади. Кишининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати илмий дунёқараш принципларига жавоб бермаса, ҳар қанча оғзаки тасдиқлаш, ҳатто унинг бу принципларни билиши ҳам илмий дунёқарашга эга эканлигига далил бўлаолмайди.

Ватанни беҳад севиш, жамият бахт – саодати учун меҳнат қилиш, озод ва обод Ватанимизнинг ҳар

бир фуқароси учун биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Кишиларимизнинг ўзаро муносабатлари ҳам тубдан ўзгарди. Ишда ва турмушда, ишлаб чиқариш жамоаси орасида, оилада, хуллас, ҳамма ерда янги инсонпарварлик принципи қарор топди. Кишиларимиз чинакам олий ҳимматлилик ва ҳамкорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. «Онглилик» характеристикаси кишига унинг ўзи томонидан эмас, балки у яшаётган ва ишлаётган жамоа томонидан, жамоатчилик томонидан берилади. Ўсиб келаётган баркамол авлоднинг юқори онглилиги Ватанимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг муваффақиятли бажарилишида муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги авлод ҳақиқий қаҳрамонлик даврида яшамоқда. Буюк келажак учун кураш унинг биринчи галдаги мақсадидир. Бу мақсадга эришиш кишиларнинг реал ва онгли меҳнатлари билан бунёдга келишини жуда яхши англайдилар. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида юксак ғоявийлик кенг тус олган.

Ғоявийлик турли касблардаги кишиларда, хизматчиларда турлича шаклда намоён бўлади. Аммо, уларнинг барчаси учун бир хил бўлган умумий белгилар қуйидагилардан иборат бўлади:

- 1) миллий ғояга содиқлик;
- 2) жамият ва давлат равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилиш;
- 3) жамият бойлигини асраш ҳамда кўпайтириш;
- 4) меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш;
- 5) ижтимоий бурчни чуқур ҳис этиш;
- 6) жамоатчилик ва ўзаро ҳамкорлик, ростгўйлик, ҳаққонийлик ва ахлоқий поклик;
- 6) мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлиги, ватанпарварликдан иборатдир.

Буюк келажак сари интилувчи мамлакатнинг тарихий вазифаларини фақат юксак ғоявий тарбияли, сиёсий етук, маълумотли, мустаҳкам интизомли, уюшқоқ, ҳеч қандай қийинчилик ва синовлардан қўрқмайдиган кишиларгина шараф билан бажара оладилар. Жамоатчилик, жамият олдидаги ўз бурчини англаш, меҳнатга тўғри муносабат, жамият равнақи, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш учун қайғуриш, миллий ғояга чексиз садоқат, ватанпарварлик кишиларимизга хос типик фазилатлардир. Кишининг юксак ғоявийлиги ундаги ижодий кучнинг, меҳнат ва курашдаги илҳомнинг манбаидир. Ғоявий тарбия, омманнинг онглилиги қанча юқори бўлса, бунёдкорлик йўлидаги ютуқларимиз янада кўпроқ ва янада тезроқ амалга ошади. Бу эзгу ишларни амалга ошириш баркамол авлоднинг муқаддас вазифасидир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. –Т.: 2002.
3. Яхшиликков Ж., Муҳаммадиев Н. Миллий ғоя-тараққиёт стратегияси. –Т.: Ўзбекистон фанлар академияси фан. 2017.
4. “Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик”. / “Халқ сўзи”. 2017 йил 16 июн.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бугунги глобаллашув даврида юз бераётган турли хил вазиятлар, унинг ёшлар тарбиясига таъсири, ғоявий тарбия масалалари ҳамда ғоявий тарбияни олиб бориш жараёнидаги муаммолар ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье мы рассматриваем различные ситуации, происходящие в современный период глобализации, их влияние на воспитание молодежи, вопросы идеологического воспитания и проблемы возникающие в процессе идеологического воспитания.

SUMMARY

In the article, we study various situations occurring in the modern period of globalization, their impact on the education of young people, issues of ideological education and problems in the process of ideological education.